Дунёда ўзининг хаётини химоя килмокчи ва ўз маишатини таъмин этмакчи бўлгон кишининг табиат конунлари ва хаёт шароитлари мужибинча кандай тадбирлар кўрарга ва кандай чоралар изларга тугунмоги канча лозим бўлса, сарбастона ва масъудона бир суратда яшамакчи бўлгон бир миллатнинг хайъат мажмуаси хам ижтимоий хаётиндаги вазифаларини лозиминча ифо этмак йўлинда харакат этиши ўшанча лозимдир. Акс холда, ул фарднинг хаёти накадар тахликага маъруз колурса, бул миллатнинг хаёти ижтимоияси хам шул кадар тахликага учраб ўзгаларнинг тасаллут ва асорати остинда колажаги табиий ва шубхасиздир.

Яшамак шартлари ва хаёти ижтимоиядага вазифаларининг энг умдалари: аскарлик, маориф, тил, адабиёт, зироат, тижорат ва санойиъ эканлиги маълумдир. Мана, хаёти ижтимоиямизда лозим бўлгон бу нарсаларнинг барчаси хозирда бизда борми? Бўлса кайси холдадир?

Бу саволларга карши тўгри жавоб ёзилгонда ихтиёрсиз калам уёлур, киши истикболдан маъюс бўлур. Чунки мазкур нарсаларнинг баъзиси бизда йўк ва баъзиси хануз ибтидоий ходдадирки, буларнинг мумкин суратда вужудка ижтиход чикарилиши учун кўб умрлар ва кўблар сарф килмок керакдир. Лекин лозимаи хаётимиз бўлгон бу нарсаларни вужудга чикариб олгунча бизга замон мусоада этарми, яъни фурсат берарми?

Сиёсий ахволнинг хозирги суръатли ўзгаришига караганда, замон фурсат бермас каби кўринадур. Шундай бўлса хам, хозирги мусоиди замин ва замонни ганимат билиб ватан, хукук ва хаётимизнинг мухофазаси, истикболимизнинг таъмини учун керак бўлатургон тадбир ва чораларга киришмагимиз лозимдир.

Мана, хозир ушбу савол ворид бўладирки: бизга нима керак?

Хозирги вазифамизга карагонда бизга энг аввал, аскар керакдир. Чунки хозирги дохилий шўриш ва инкилоб хорижий душманларнинг тажовузидан ортик бизга карши хатарли бир холга айланмакдадурки, бу шўришдан ватан ва хурриятни куткариб олмок учун аскарий зўр бир кувватга молик бўлмогимиз мутлако лозимдир.

Маълумдирки, хозирда бир ёкцан Николай косалесла-ри бўлгон Ашкобод фитначилари, иккинчи ёкдан казачийлар билан ... оёкка калкиб Туркистонимизни тахдид этмакда ва факир халк хокимиятини тахликага туширшмакдадирлар. Буларнинг максади хокимиятни факир халкдан олиб буржуазларга тобшурмок ва бунинг ила миллиюнларча бечора камбагал халкни янада бойларнинг оёги остинда эздурмакдир.

Мана, ушбу дохилий душманларимизнинг хужуминдан ватанимизни куткармок ва аларни тасаллутиндан мукаддас хокимиятимизни мухофаза этмак учун биз Туркистон факир ишчи ва дехконларига лозимдурки, ўз орамиздан аскарий фиркалар ташкил этиб, жонимиз ва номусимиз каби азиз бўлгон хукук ва хурриятимиз йўлинда курбон бўлурга хозир турайлук.

Дунёда золим остинда номуссиз яшамакдан хукук ва хуррият йўлинда номус билан ўлмак минг марта яхширокцир.

Эй Туркистон ишчиси! Оёкга тур! Душманларингни бос! Юртингни сакла!

Эй туркистонли турк ўгли! Ярогингни ол! Ёвингни от! Хурриятингни сакла!

«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 13 август